

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRLIGI**MINISTRY OF DIGITAL TECHNOLOGIES
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTANМИНИСТЕРСТВО ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100164, Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Ibrohim Mo'minov ko'chasi, 4-uy Tel: (+998) 71-238-41-07, 71-233-65-03, Fax: (+998) 71-239-87-82 E-mail: info@digital.uz, www.digital.uz

**Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги**

Рақамли технологиялар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Фармон лойиҳасини (ID–99639 V-1) кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармонига мувофиқ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ташкил этилган ҳамда Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурига ўтказилган.

Юқоридагидан келиб чиқиб, Фармон лойиҳасининг тегишли қисмларида “*Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги*” сўзларини “*Рақамли технологиялар вазирлиги*” сўзларига ҳамда “*Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси*” сўзларини “*Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси*” сўзларига ўзгартириш лозим.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 373-сон қарорига мувофиқ республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида (кейинги

ўринларда - давлат органлари ва ташкилотлари) рақамли трансформация ҳолатини рейтинг баҳолаш белгиланган.

Мазкур рейтинг тадбирлари йўналишларидан бири - “Очиқлик ва электрон иштирок индекси” ҳисобланиб, унда давлат органлари ва ташкилотларнинг веб-сайтнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, ижтимоий тармоқлардаги ва оммабоп мессенжерлардаги фаоллиги, Очиқ маълумотлар тўпламлари (<https://data.egov.uz> автоматик равишда юкланади) ва ишонч телефони фаолияти сифати каби талаблар бўйича NIS.EGOV.UZ тизимида баҳоланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги ПФ-154-сон Фармонида асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган “Очиқлик индекси” жорий этилган ва у Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан йилига бир марта натижаларни эълон қилиш даврийлиги билан юритилади.

Ҳозирги кунда “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси томонидан NIS.EGOV.UZ тизими доирасида амалга оширилаётган рейтинг баҳолаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан олиб борилаётган “Очиқлик индекси” ва бошқа турли рейтингларда давлат органлари ва ташкилотлари мазмуни ва таркиби жиҳатидан бир хил маълумотларни тақдим этиши талаблари сақланиб қолмоқда. Ташкилотлар томонидан бир нечта платформалар билан ишлаш амалиётини олдини олиш ва ягона технологик ёндашувни таъминлаш мақсадида Фармон лойиҳасини NIS.EGOV.UZ ахборот тизими ва “anticor.uz” электрон платформаси ўртасида электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш заруратини белгиловчи банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Вазирнинг биринчи ўринбосари



Pekos O.A.